



Марказий банк инфляцион кутилмалар натижаларини эълон қилди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва корхоналарининг инфляцион кутилмалари – 2018 йил III чорақ натижаларини эълон қилди.

тилмаларнинг ошишига респондентларнинг келгусидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи, коммунал тўловлар тарифи ва иш ҳақи ошишига бўлган ишончлари ортгани таъсир этган. Шу билан бирга, охири ойлар давомида миллий валюта алмашув курсининг қадрсизлана бошлаши сентябрь ойидаги кутилмаларда ўз аксини топди.

Шунингдек, маъмурий тарзда тартибга солинадиган нархларнинг режалаштирилаётган эркинлаштирилиши келгусида инфляцион кутилмалар янада ортишига ҳамда бир вақтнинг ўзида нархларга бир неча омилларнинг салбий таъсири инфляцион кутилмаларнинг юқори даражада сақланиб қолинишига сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур маълумотноманинг тўлиқ шакли Марказий банк сайтида эълон қилинган.

cbu.uz

Унда қайд этилишича, жорий йилнинг III чорагида иқтисодиётдаги инфляцион кутилмалар бўйича ўтказилган сўровлар натижаларига кўра инфляциянинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган ва кутилаётган даражаларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, йилнинг биринчи ярмидаги пасайишдан сўнг мазкур кўрсаткичлар июль ойидан бошлаб ошиб борди.

Хусусан, III чорақда инфляцион ку-

«Ипак Йўли» банки 20 млн. АҚШ долларилек битим имзолади

Куни кеча Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) вакиллари «Ипак Йўли» акциядорлик инновацион тижорат банкида бўлиб, ўзаро ҳамкорлик доирасида 20 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги кредит битимини тузишди.



Хужатни ЕТТБнинг МДХ мамлакатлари бўйича директори Наталья Ханженкова ҳамда «Ипак Йўли» банки Бошқаруви раиси Саидаброр Сайдахмедов имзолади.

Кредит икки қисмдан иборат бўлиб,

10 млн. АҚШ доллари гача бўлган биринчи қисмини ЕТТБнинг ўз маблағлари ташкил қилади. Маблагнинг 10 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги иккинчи қисми эса Нидерландия Тараққиёт банки (FMO) ҳисобига шакллантирилади.

(Давоми 5-бетда).

FINANCEUZ хабар қилади

«Hamkorbank» ISO стандарти талабларига мувофиқ топилди

«Хамкорбанк» акциядорлик тижорат банки ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими аудитидан муваффақиятли ўтиб, мувофиқлик стандартини қўлга киритди.



ISO 9001:2015 сифат менежменти тизимининг асосий мақсади истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тизим бўлиб, «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки ҳам ўз фаолияти давомида банк хизматлари истеъмолчиларининг хоҳиш ҳамда эҳтиёжларини доимий қондириб бориш вазифасини асосий мақсад сифатида белгиланган. Бу банк ривожининг асосий йўналишларидан бири сифатида қайд этилган.

– Сифат менежменти тизимининг жорий этилиши «Hamkorbank» учун стратегик аҳамиятга эга. Натижаларни яхшилаш учун мустаҳкам пойдевор ҳозирлаш ва умумий олганда, унинг барқарор ривожланишини таъминлашда бу муҳимдир. Ушбу стандартда «Режалаштир–амалга ошир–текшир–ҳаракат қил» қоидаси қўлланилган. Шунингдек, фаолият давомида хавф ва қалтисликларни бартараф қилишга



йўналтирилган жараёнлар жорий этилган. Эндиликда «Hamkorbank» миқозларга хизмат кўрсатиш ҳамда янги маҳсулотлар ва хизматларни яратишда ISO 9001:2015 да акс этган менежмент сифати принципларига таянади, – дейди «Hamkorbank» АТБ раиси ўринбосари Алишер Мирзаев.

Янги тўлов терминаллари ўрнатилади

POS-терминаллар тармоқларини бошқариш ва мониторинг қилишга қаратилган ишланмаларга ихтисослашган ASHBURN International компанияси Ягона умумреспублика процессинг маркази билан ҳамкорлик қилишувини имзолади.



Келишув доирасида мазкур компания томонидан мамлакатимиз бозор шароитига мослаштирилган TransLink.iQ номли дастурий таъминот ўрнатилиши кўзда тутилган. Шунингдек, янги тўлов терминаллари етказиб бериш ва мамлакатимизда фаолият юритаётган банклар томонидан тақдим этилувчи POS-терминаллар учун 250 000 дан зиёд рухсатномаларнинг сотуви ҳам мўлжалланмоқда. Бир неча йил давомида эса TransLink.iQ платформасига йилига 50 000 дан ортиқ POS-терминаллар ўрнатилади.

(Давоми 2-бетда).

УШБУ СОНДА:

Ислохотлар йўлида Келажакка тикилган сармоя 3-бет.



Инвестициялар вилоят тараққиётига хизмат қилмоқда 5-бет.

Статистика ва таҳлил «Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси» АЖ ва «Тошкент» РФБ савдоларидаги ўзгаришлар 6-7-бетлар.



ҲАМКОРЛИК

FINANCEUZ хабар қилади

«Hamkorbank» АТБ ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида келишув

Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакилларидан иборат делегация «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банкининг бош офисига ташриф буюрди.

ЕТТБнинг Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва молиялаштириш бўйича дастури раҳбари Надя Петкова бошчилигидаги делегация ва «Hamkorbank» раҳбарияти ўртасида бир неча йўналишларда ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Жумладан, таваккалчиликларни тақсимлаш механизми воситалари орқали жамғарилувчи рискларда қатнашиш бўйича келишувлар имзоланди. Бу ЕТТБ ва «Hamkorbank» ўртасида таваккалчиликларни тақсимлаш йўналишида янги босқични бошлаб беради. Келишувларнинг умумий қиймати 15 миллион АҚШ доллари ташкил этади.



Маълумки, «Hamkorbank» АТБ ва ЕТТБ 16 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. ЕТТБ бир неча бор «Hamkorbank»ни Ўзбекистондаги етакчи ва фаол ҳамкор сифатида эътироф этган.

Янги тўлов терминаллари ўрнатилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ASHBURN International компанияси директори Жоржас Шарафановичнинг таъкидлашича, иккала компаниянинг олдиндаги ҳамкорлик ва стратегик мақсадлари бир-бирига мос келганлиги боис ушбу шартномани имзолаш жараёни ҳам самарали кечди. Лойиҳани амалга ошириш учун тизимларни интеграция қилиш давомида синов ишлари олиб борилди. Натижанда Ўзбекистон бозор шароити талабларига жавоб берувчи оптимал ечим топилди.

TransLink.iQ дастурий таъминотининг аф-



залликлари шуки, у турли русумдаги POS-терминаллар билан мувофиқ тарзда ишлаш қобилиятига эга. Унда бизнес-харажатларни оптималлаштириш, дастурий таъминотларнинг янгиланиши ҳамда POS-терминаллар тармоқларини реал вақтда масофада туриб мониторинг қилиш ва бошқариш имконияти мавжудлиги ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Платформа криптографик қалитларни автоматлаштириш, масофадан эквайринг тармоғида эҳтимолли носозликларни рўйхатдан ўтказиш ва тегишли чораларни кўриш имкониятини беради. TransLink.iQ халқаро тўлов тизимлари, EMV ва PCI хавфсизлик талабларига жавоб беради. Бу эса, ўз навбатида, карта эгаларига тегишли маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлайди.

ASHBURN International компанияси Penki kontinental ташкилоти гуруҳи аъзоси ҳисобланиб, POS-терминаллар тармоғини мониторинг қилади ва бошқарилишини таъминлайди. Шунингдек, транзакциялар бўйича маълумотлар етказиб, банк қурилмаларини ўрнатади ва уларга техник хизмат кўрсатади.

БАНК ФАОЛИЯТИ

Янги мини-банк иш бошлади

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки республикамиз ҳудудлари бўйлаб ўз мини-банклари тармоғи қўламини кенгайтириш ҳамда чакана бизнесни ривожлантириш йўли билан миқозларга замонавий банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этишни асосий устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблайди.

Октябрь ойининг илк кунларидан «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг Фарғона филиали қошида янги «Фарғона-Атлас» мини-банки ҳамда мазкур мини-банк қошида янги

пул ўтказмалари шаҳобчаси ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур мини-банк юридик ва жисмоний шахсларга ҳисобрақам очиб ва юртиш, кредит ва лизинг хизматлари, валюта айирбошлаш амалиётлари, интернет банк хизматлари, коммунал хизматлар учун тўловлар ва бошқа турдаги тўловларни амалга ошириш каби банк хизматларини кўрсатади. Шунингдек, ҳафта давомида миқозлар дунё бўйлаб фаолият юритувчи «Western Union», «Contact», «MoneyGram», «UniStream» ва «Золотая Корона» пул ўтказмалари тизимлари орқали жўнатилган маблағларини бир неча дақиқаларда олиш имконияти ҳам яратилган.

Банк ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 6 сентябрь куни 2364-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сон қарори (рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 223-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки раиси

Тошкент ш.,

2018 йил 18 август, 27/7-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 18 августдаги 27/7-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Кафолат бериш масаласи банк (филиал)нинг кредит кўмитаси томонидан банк кредит сўрасида кўрсатилган кафолат беришнинг лимитлари доирасида кўриб чиқилади.

Берилган кафолатларнинг ҳисоби Бош банкда юритилади ва унинг тўғри юритилиши банк бошқаруви раиси зиммасига юклатилади.»

2. Қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹. Банк томонидан кафолат бериш қатъий ҳисобда турувчи бланкда расмийлаштирилади. Кафолат бланклари ҳисоби алоҳида дафтарда қайд этиб борилади. Кафолат бланклари шакли банкнинг ички тартибларида ягона шаклда белгиланади.

Кафолат бланклари Бош банк ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида ягона шаклдаги махсус ҳимоя белгилари билан таъминланган қоғозда тайёрланиб, Бош банк томонидан банкнинг барча филиалларига етказилади.»

3. 14-банддаги «Бош банк» деган сўзлар «банк (филиал)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 14 сентябрь куни 2014-14-сон билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки раиси

Тошкент ш.,

2018 йил 18 август, 27/8-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 18 августдаги 27/8-сон қарорига
ИЛОВА

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг саккизинчи хатбошига:

«ўттиз» деган сўз «ўн беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин; иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

2. 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Келажакка тикилган сармоя



Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни фарзандларимизнинг таълим-тарбиясига боғлиқ. Шу боис ҳам юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Уларнинг етуқ, баркамол шахс бўлиб етишиши учун барча шароитлар яратилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Айниқса, тадбиркорликни ният қилган ёшларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг ажратилаётгани минглаб ёш йигит-қизларнинг иш билан таъминланишига туртки бўлаётди. Уларнинг билимли ва комил инсон бўлишлари учун ажратилаётган таълим кредитлари ҳам ана шундай ғамхўрликнинг бир кўринишидир. Чунки ёшларга берилётган бу сармоялар келажакка тикилган сармоя ҳисобланади.

Маълумки, тижорат банклари томонидан бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга кирган талабаларга эса 5 йилгача муддатга таълим кредитлари ажратилади. Бу эса шартнома пулини тўлашга қийналган йигит-қизларимизнинг оғирини енгил қилиб, эмин-эркин билим олиши учун имкон бермоқда. Қолаверса, мустақил ҳаёт йўлини бошлашига катта ёрдам бўлаётди.

Жорий йили ҳам республикаимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан минглаб илмга чанқоқ ёшларга таълим кредитлари ажратилиб, тўлов-контракт пуллари ўтказиб берилди. Буни акциядорлик тижорат

Халқ банки мисолида ҳам кўришимиз мумкин. — Август ва сентябрь ойларининг ўзидан 2000 дан ортиқ талабага 15833,6 млн. сўм миқдорда таълим кредитлари берилди, — дейди АТ Халқ банки Чакана кредитлаш департаменти бўлими бошлиғи Ақром Мардиев. — Бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан анча кўп. Чунки йилдан-йилга ёшларимиз орасида билим олишга интилаётганлари ортиб бораётди. Шу боис ҳам уларнинг барча мурожаатларини қондиришга ҳаракат қиляпмиз. Мазкур маблағларни худудлар кесимида кўрганимизда Қорақалпоғистон Республикасида 250 дан ортиқ, Самарқанд, Сирдарё вилоятида 200 нафарга яқин ёшларга маблағлар ажратилганининг гувоҳи бўламиз. Бу жараён ҳали давом этиб, яна 1500 дан ортиқ ёшларга ана шундай таълим кредитлари ажратиш кўзда тутилган.

— Кредит олингандан сўнг уни албатта қайтариш ҳам керак. Бу жараёнда талабалар қийинчиликка дуч келмасмикан?

— 2015 йили магистратурага тўлов-контракт асосида қабул қилингандим, — дейди ёш ўқитувчи Маъруф Хуршидҷонов. — Аммо ўша йили оиламизда иқтисодий қийинчилик сабаб шартнома пулини тўлашга имконимиз бўлмади. Шунда кўпчилик банкдан кредит олишни маслаҳат берди. Лекин қандай тўлаймиз, деган фикр бизни ўйлантирди. Аммо Халқ банкига мурожаат қилганимизда, улар барини тушунтириб, ўқишимизнинг биринчи йилидаги шартнома пулини тўлаб беришди. Кейинги йили ўзимиз тўладик. Ҳозир ўқишни битирганимга бир йилдан ошди. Кредитни ҳам тўлаб бўлаёзим. Унинг фоизи камлиги боис, тўловларда қийналмадик. Эндиликда ўз севган касбимда иш юритаяпман.

Янги лойиҳалар — янги иш ўринлари демак!

«Yoshlar – kelajagimiz» давлат дастури доирасида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қошида «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси тузилган бўлиб, жамғарма томонидан тижорат банклари дастур доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириши кўзда тутилган.

Ушбу кредитлар «Ўзмилийбанк», «Ҳамкорбанк», «Ипак йўли банки» ҳамда «Халқ банки» томонидан ёш тадбиркорларга 12 ой имтиёзли давр билан, 5 йил муддатга, йиллик 7 фоиз устама тўлаш шарти билан ажратилмоқда.

Мазкур Дастур ижроси борасида АТ «Ўзмилийбанк» тизимида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда «Ўзмилийбанк» бошқарув раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Умид Валиев шундай дейди:

— «Ўзмилийбанк» «Yoshlar – kelajagimiz» давлат дастури ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси ўртасида бош келишув имзолади. Унга кўра, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоё ва лойиҳаларини амалга ошириш учун жамғарма томонидан 98,1 млрд. сўм миқдорда ресурс маблағлари ажратилди. Мазкур маблағлар асосида «Ўзмилийбанк» республика бўйлаб ёшларнинг жами 76,6 млрд. сўмлик 530 та бизнес лойиҳаларини молиялаштиради ва 1 706 янги иш ўринлари яратилади. Айни кунда мазкур

имтиёздан фойдаланиб ўз бизнесини йўлга қўйиб олган ёшлар қўллаб топилади.

Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги «Mammoth Heavy Machines» МЧЖ раҳбари Аҳроф Абролов шундай дейди:

— Бугун пойтахтимизда бунёдкорлик ишлари айна авжида. Биз ҳам ана шу ўзгаришларга ўз ҳиссамизни қўшиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида махсус қурилиш техникаси олишни ният қилгандик. Бунинг учун «Ўзмилийбанк»га мурожаат қилганимда улар «Yoshlar – kelajagimiz» давлат дастури асосида имтиёз билан 1,5 млрд. сўм миқдорда кредит ажратишди. Унга эса махсус техникани харид қилдик. Айни кунда ўз ишимизни бошлаб, турт кишини иш билан таъминладик.

Жиззахлик ёш тадбиркор Ш.Очилов ҳам дастур асосида «Ўзмилийбанк»дан 149,9 млн сўмлик имтиёзли кредит олиб, Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун ихчам музхона ташкил қилди. Худди шундай Фарғона вилояти Бешарик туманида яшовчи ёш тадбиркор Б.Собиров «Besh Wood Work» МЧЖ ташкил қилиб, мебель ишлаб чиқариш учун 220,00 млн. сўм кредит олди, натижада 10 дан ортиқ янги иш ўрини яратди.

Шуниси қувонарлики, давлат дастури доирасида республикаимиздаги минглаб ёшлар тадбиркорликка қўл урди. Бу эса уларнинг ўз ҳаёт йўлларини танлаб олиши ва юрт равнақиға ҳисса қўшишига имкон яратди. Бу йўлда тижорат банклари ҳам доим уларга қўмақдош бўлиб келмоқда.

Б.МУҲАММАДИЕВ

Бугунги ҳаракат — эртанги баракот

Юртимизда аҳолини сифатли гўшт ва сўт маҳсулотлари билан ишончли таъминлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

Айниқса, акциядорлик тижорат Халқ банки мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига масъул этиб белгилангани тизимнинг янада ривожига туртки бўлаётди.

Ўтган йили Халқ банки томонидан чорвачилик йўналишидаги 1 600 та лойиҳага 202,5 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, хориждан 80,1 млрд. сўмлик 5 075 бош наслдор қорамол олиб келинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида эса 237,4 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилиб, хориждан 8151 бош қорамол, 2 218 бош наслдор эчки, 1 785 бош қўй, 250 бош туя олиб келинди. Умуман олганда, ушбу мақсадлар учун ажратилган кредитлар ҳисобига яна юртимизга 3 800 бошдан ортиқ насли қорамол олиб келинади. Жорий йил якунига қадар эса 16 минг бошдан ортиқ насли қорамол четдан олиб келиниши режалаштирилган.

Жумладан, Халқ банки кўмағида Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги «Тўмарис нур» фермер хўжалиги томонидан Эстония давлатидан 7,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ҳисобига 319 бош «Симментал» зотли насли қорамол, Тошкент вилояти Пискент туманидаги «Зиёда» фермер хўжалиги томонидан Австрия давлатидан 15,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари ҳисобига 767 бош «Симментал» зотли, Наманган вилояти Учкўрғон туманидаги «Ғуломжон» фермер хўжалиги томонидан Германия давлатидан 3,4 млрд. сўмлик кредит ҳисобига сўт йўналишидаги 160 бош «Голштин» зотли насли қорамол олиб келинди. Ҳозирда улар томонидан сўт ва сўт маҳсулотлари қайта ишланиб, аҳолига арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Айни кунда чорвачиликнинг яна бир муҳим йўналишларидан бўлган эчкичиликни ривожлантириш бўйича самарали ишлар қилиняпти. Чунки дунё бўйича эчкичиликнинг сўт ва жун йўналишлари мавжуд бўлиб, бу соҳа билан шуғулланиш алоҳида муҳит ва тайёргарлик, ортиқча харажатларни талаб қилмайди. Айниқса, бизнинг климат шароитимиз соҳани ривожлантиришга жуда мос келади. Шу боис

ҳам эчкичиликни ривожлантириш мақсадида Франция, Германия, Россия ва Чехия давлатларидан жами 3 632 бош эчки сотиб олиш учун 6,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Шунингдек, Халқ банки кўмағида барпо этилган Бухоро вилоятининг Бухоро туманида фаолият юритаётган «Бухоро темир отлари» МЧЖ томонидан 356 бош, Андижон вилоятининг Олтинқўл туманидаги «Андижон Насли эчкилари» фермер хўжалиги томонидан Германия давлатидан сўт йўналиши бўйича 292 бош, Қорақалпоғистон Республикасининг «Панаев Фармс» фермер хўжалиги томонидан сўт йўналиши бўйича 305 бошли «Заанен» зотли эчкилар олиб келиниши эчкичиликни ривожлантириш бўйича дадил қадамлардан бири бўлди.

Қисқаси, юртимизда Халқ банки томонидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилётган бу лойиҳалар чорвачилик тармоғининг янада ривожланишига ҳамда гўшт ва сўт маҳсулотларининг арзон бўлишига замин ҳозирлаётди.

Бекзод САРМАНОВ,
АТ Халқ банки кредит операциялари департаменти бошқаруви бошлиғи

Реклама

AGROBANK

Агробанк қулай ва даромадли бўлган «МЕНИНГ ЮРТИМ» омонат турини таклиф этади!

✓ **омонат фоизи – йиллик 18 фоиз**
 ✓ **омонат муддати – 13 ой**


Омонат очиш учун талаб қилинадиган энг кам маблағ – 5 миллион сўм. Омонатга маблағлар нақд пул ёки пластик карта орқали қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар учун тўловлар ҳар ойда нақд пулда ёки пластик картангизга ўтказиб берилади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!

www.agrobank.uz
 /AgrobankChannel /agrobankuzbekistan
 Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
 Download on the App Store GET IT ON Google Play
 тел. (71) 203 88 88
 Хизматлар лицензияланган

Аҳолига яна бир қулайлик

Бугунги ҳар бир соҳага янги, қулай ва инновацион хизматлар жорий этилмоқда. Банк соҳаси ҳам бу ўзгаришлардан четда қолаётгани йўқ. Айниқса, аҳолимизни сифатли ва тезкор банк хизматлари билан таъминлашда тинимсиз ҳаракат қилаётган «Asia Alliance Bank» АТБ эътирофга лойиқ.



Аҳолининг кенг қатламини, хусусан, эшитиш имконияти чекланган инсонларни банк хизматлари билан таъминлаш мақсадида республика банклари ичида илк мартаба «Asia Alliance Bank» АТБ ва Ўзбекистон «VETERAN» жанчи-фаҳрий ва ногиронлари бирлашмаси ҳамкорликда «Surdo-online» Uzbekistan лойиҳасига қўл урди. Мазкур тизим орқали эшитиш имконияти чекланган миждозларга ҳам хизмат кўрсатиш имконияти амалиётга жорий этилди.

«Surdo-online» тизими Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида маъқулланган ва муваффақиятли амалиётга татбиқ этилмоқда. Мазкур хизматга кўра, эндиликда банкка мурожаат этган эшитиш тизимида нуқсон бора ҳар қандай миждоз ташкилотнинг махсус марказида ўтирган сурдотаржимонлар билан бемалол масофавий видеоалоқага чиқиш, исталган банк хизматида фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, яқинда «Asia Alliance Bank» АТБ ўзининг янги очилган «Тансиқбоев» мини-банк орқали миждозларга янада кенг кўламли хизматларни таклиф этмоқда. Мини-банк пойтахтимизнинг Қорақамиш 2/4 мавзесидаги аҳоли зич жойлашган ҳудудда — Тансиқбоев ва Қорақамиш кўчалари кесишмасида жойлашган.

Қулай жойлашув, банкдаги шинам муҳит, хушмуомала ва малакали ходимлар ҳудуд аҳолиси ҳамда тадбиркорларга сифатли, тезкор банк хизматларини тақдим этмоқда.

Имтиёзли автокредитлаш: миждозлар манфаати йўлида

«GM Uzbekistan» ва «Капиталбанк» АТБ имтиёзли автокредитлаш дастури доирасида расмий ҳамкорликни йўлга қўйишди.

Келишувга биноан, эндиликда юртдошларимиз Lacetti SX M/T (1-поз.) автомобилига имтиёзли кредитни турли шартлар асосида расмийлаштиришлари мумкин. 15 ойдан бошлаб 5 йил муддатга қадар бе-

рилувчи кредитнинг дастлабки бадал миқдори ҳамда йиллик устама фоизлари кредитнинг берилиш муддатига қараб фарқланади. Бошланғич бадал маблағи мавжуд бўлган ҳолда расмийлаштириш ишлари бевосита расмий дилерларнинг «АС сервис» жойларида амалга оширилади.

Айтиш жоизки, имтиёзли автокредитлаш дастури доирасида ушбу рўсум ва комплектацияга эга жами 1000 дона автомобиль ажратилган. Қисқа

фурсат ичида автокредитлаш дастури доирасидаги «GM Uzbekistan» автомобиллари рўсумлари рўйхати кенгайтирилиши кўзда тутилмоқда.

«Капиталбанк» АТБ миждозларга энгиллик яратиш мақсадида омонат турлари бўйича ҳам қатор янгиликлар яратишда давом этмоқда. Хусусан, банк яқиндан бошлаб қулай шартларни ўз ичига олган янги омонат тури — йиллик 5 фоизли ставкага эга хоржий валюта кўринишидаги «Қулай» омо-

нат турини таклиф этмоқда. Омонатнинг минимал миқдори 200 АҚШ доллари (ёки евро)ни ташкил этади. Фоизлар ҳар ой омонатга қўйилган валюта кўринишида тўлаб борилади.

Агар омонат муддатидан илгари қайтариб олинса, банк томонидан белгиланган турли шартлар асосида фоиз чегирилади ёки қайта ҳисоб-китоб асосида омонатчига тўланади.

Саҳифа банк ахборот хизматлари ҳамкорлигида тайёрланди

ИНВЕСТИЦИЯ

Инвестициялар вилоят тараққиётига хизмат қилмоқда

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) салмоғи ва улардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Айни кунда юртимизда ҳам мана шундай инвестиция турлари ҳисобига кўплаб соҳалар ривожланиб, аҳоли турмуш шароити яхшиланмоқда, иқтисодиётда изчил ўсишлар кузатилаётганда ҳам кўриш мумкин.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида жорий йилда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари чет давлатларда бўлиб, умумий қиймати 343 млн. долларлик 12 та меморандум, умумий қиймати 48 млн. долларлик 5 та шартнома тузишга эришилди. Бу нафақат вилоят, балки республикамиз иқтисодиёти учун анча ижобий кўрсаткич бўлиб, мазкур шартномалар вилоятда қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилишига катта ёрдам беради. Шунингдек, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш дастури тузилган бўлиб, унга биноан 2018-2020 йиллар давомида вилоятда умумий қиймати



869 млн. АҚШ долларилек бўлган жами 33 та ҳудудий лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

— Шу кунгача Дастурга мувофиқ, жами 20 млн. долларга яқин тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокими матбуот котиби Захриддин Тўраев. — Натижада айни кунларда вилоятимизда «Сурхонцементинвест» хорижий корхонаси томонидан Жаркўргон туманида қуввати 360 минг тонна цемент маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қуриш лойиҳаси ҳамда «Био Агро» МЧЖ томонидан Музработ ва Денов туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, интенсив боғ ташкил этиш бўйича 10 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда. Термиз шаҳрида эса «AFGHAN-GERMAN COMPANY» Ltd. (Афғонистон) то-

монидан қиймати 10 млн. долларга тенг бўлган 7 қаватли замонавий кўринишдаги уй-жой ҳамда меҳмонхона биноларини қуриш бўйича дастлабки ишлар бошлаб юборилган.

Шунингдек, вилоятда замонавий турдаги маиший техникалардан фойдаланиш кўлами кун сайин ошиб бораётгани сабабли электр энергиясига бўлган талаб ортишини инobatта олган ҳолда мазкур соҳага хорижий инвесторларни жалб этиш орқали бир нечта истиқболли йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, 2019-2020 йиллар давомида Туркиянинг «ETKA CO ENERJI A.S» компанияси томонидан 500 млн. доллар қийматидаги тўғридан-тўғри инвестиция жалб этиш орқали Бойсун туманида шомол электр станцияси ҳамда Буюк Британиянинг «SHEFRA ENERGY LIMITED» компанияси томонидан 220

млн. доллар миқдордаги инвестицияси ҳисобига Шеробод туманида кўёш электр энергияси ва фотоэлектрик кўёш панелларини ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади.

Қайд этиш жоизки, чегарадош мамлакатлар, хусусан, Афғонистон Ислום Республикаси билан савдо-иқтисодий ва транспорт-логистика алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида «Термиз» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди. Термиз тумани ҳудудидаги 3000 гектар майдонда ташкил этилган иқтисодий зонада маҳаллий хомашё ва материаллар негизда рақобатбардош тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқарилади. Мазкур ҳудудда саноат корхоналари ва инфратузилма объектлари ишга туширилиши натижасида туман ёшлари учун янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, ўтган йилнинг охирида вилоятдаги «Termiz Cargo Centre» халқаро логистика маркази негизда ташкил этилган «Termiz kargo» иш бошлади. Ушбу марказ мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари билан афғонистонлик ишбилармонлар доирасининг ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда ўзига хос дўстлик кўприги вазифасини ўтайди. Замонавий марказда қўшни давлат тадбиркорларига сифатли хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар бор; консуллик вакили, боғжона терминали биноси, омборлар қурилган бўлиб, унинг майдони 40,7 гектарни ташкил этади.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

«Мўъжизавий қутилар»

1939 йилда илк банккомат прототипини яратган америкалик олим Лютер Жорж Симжян орадан вақт ўтиб, унинг ихтироси инсонларга нечоғли наф келтиришини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Банкоматлар даставвал фақат Нью-Йоркдаги банкларда ўрнатилган бўлиб, кейинчалик дунё бўйлаб оммалашди. Аввалига нақд пул учун мўлжалланган бўлса, кейинчалик такомиллашиб, пул билан боғлиқ ўнлаб хизматларни тез ва осон амалга ошириш имконияти яратилди. Бу эса аҳолининг вақт ва маблағ тежасига, банк хизматларининг ривожига ҳам асос бўлди.



Банк тизимида олиб борилган ислохотлар самараси ўлароқ, юртимизда ҳам банккоматлар ўрнатилиши анча олдин бошланган бўлса-да, сўнгги

йилларда кенг оммалашди. Кўплаб аҳоли гавжум масканларда ва банк филиалларида банккоматлар ўрнатилмода. Бу эса илгариги каби вақт сарфлаб, сарсон бўлишнинг олдини олиб, аҳоли манфаатига хизмат қилаётди.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг жорий йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада жонлантирди. Тижорат банклари томонидан кундан-кунга банккоматлар сонининг ортаётгани ҳам қарор ижроси самарасидир. Валюта айирбошловчи банккоматларнинг йўлга қўйилаётгани ҳам халқимиз ва хорижий меҳмонлар учун қулай бўлмоқда.

— Айни кунда банкимизнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш банккоматлари сони 55 тани, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи инфокиосклари сони 178 тани ташкил этади. «Қишлоққурилишбанк» АТБ филиаллари балансидаги жами терминаллар сони эса 12 207 донани ташкил қилади. Албатта, буларнинг бари аҳолимиз ҳамда банкимиз мижозларини рози қилиш, уларни сифатли ва тезкор банк хизматлари билан таъминлаш мақсадида олиб бораётган амалий ишларимиздан биридир, — дейди «Қишлоққурилишбанк» АТБ пластик карточкалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жавоҳир Алимов. — Шунингдек, банкимиз томонидан банк хизматлари истеъмолчиларига қулайлик яратиш мақсадида амалиётга жорий этилган «QQB Mobile», «Депозит банкинг», «Интернет банкинг», «SMS-banking» ва «Мобил-банкнинг» иловаларидан ҳам самарали фойдаланаётдилар.

Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида — банк офислари, савдо расталари, олий ўқув юрталари биноси, бозорлар, метро ва автобус бекатлари, аҳоли гавжум кўчаларда самарали фаолият юритаётган мазкур темир қутиларни чиндан мўъжизага менгаш мумкин.

«Ипак йўли» банки
20 млн. АҚШ долларилек
битим имзолади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ЕТБ мамлакатларга маблағ ажратиш орқали ўз молиявий воситачилари сонини кенгайтириб, юртимизда ҳам хусусий тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлашни давом эттирмоқда. ЕТБнинг мазкур 20 млн. АҚШ доллари қийматидаги илк синдикат кредити ана шу асосда республикадаги тижорат банкларидан бири — «Ипак Йўли» банкига берилди.

«Ипак Йўли» банки битим доирасида кичик ва хусусий бизнесни кредитлашнинг турли соҳалари қаторида Ўзбекистонда молиявий институтларни ривожлантириш дастури бўйича таваккалчиликни бошқаришни қамраб олувчи махсус техник ёрдам ҳам олади.

ЕТБнинг мазкур кредити «Ипак Йўли» банкига ўзининг молиялаштириш базасини диверсификациялаш, кичик ва хусусий бизнеснинг мижозлар базасини кенгайтириш ва мамлакат корхоналари учун узокроқ муддатда қайтариш имкониятига эга бўлган кредитларни тақлиф қилишга ёрдам беради. Шунингдек, кредитларни АҚШ доллари ёки миллий валютада тақдим этиш имконияти ҳам пайдо бўлади.

Таъкидлаш керакки, «Ипак Йўли» банкининг ЕТБ билан ҳамкорлигига 2001 йили пойдевор қўйилган бўлиб, микро ва кичик корхоналар учун микрокредитлаш дастурини жорий этиш бўйича банкка техник ёрдам кўрсатишдан бошланган эди.

СТАТИСТИКА

Ўзбекистон Республикаси товар-хонашэ биржаси
2018 йил 8 октябрдан 12 октябргача бўлган
биржа (ички бозор) нархлари котировкаси

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Соса-Cola 1,5L қадоқланган 12 ПЭТ 1,5л (дона)	34 602	—	0	0%
Fanta Apelsin 1,5L қадоқланган по 6 ПЭТ 1,5л (дона)	34 616	—	0	0%
Автобензин АИ-80	4 361 624	▼	-48 559	-1,1%
Автобензин АИ-91	6 680 231	▲	580 726	9,5%
Автобензин АИ-95	9 783 122	▲	713 122	7,9%
Азот-фосфорли калий NPK 10:10:10 (қопда)	1 580 000	—	0	0%
Азот-фосфор ўғит (қопда)	1 251 460	▼	-17	0%
Аммиак селитра «А» (қадоқланмаган)	1 076 049	—	0	0%
Аммофос 46:10 (қопда)	2 950 985	—	0	0%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 484 918	▼	-921	-0,02%
Бетон қоришмаси БСТ В15 М-200 (куб.м)	380 000	—	0	0%
Қурилиш битуми БН 90/10	4 229 980	▼	-1 713 586	-28,8%
Дизель ёқилғиси	7 740 702	▲	579 841	8,1%
Дизель ёқилғиси ЭКО	7 586 937	▼	-380 359	-4,8%
Сўндирилмаган оҳак 1 нав (қопда)	630 000	—	0	0%
Карбамид (қадоқланмаган)	923 928	—	0	0%
Квадрат 20 ст 0 СП	5 682 900	—	0	0%
Техник керосин	7 156 585	▲	393 789	5,8%
Озиқ-овқат сирка кислотаси, 70%	6 440 354	—	0	0%
Нефть кокси	2 087 840	—	0	0%
Ем аралашмаси	1 235 124	▲	14 290	1,2%
Доира 100 ст 3 СП	5 636 900	▲	57	0%
Линт 1-нав тип Б (класс олий)	2 968 326	▲	66 648	2,3%
Линт 2-нав тип Б (класс олий)	2 851 999	▲	310 083	12,2%
Лист г.к 16x1500x6000 мм 3 сп пс5	8 350 000	—	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	9 027 665	▼	-114 431	-1,3%
Саноат мойи И-50А	6 804 863	▲	882 239	14,9%
Мотор мойи DELCOR GTI SuperSAE15w40APICI-4 (литр)	26 200	—	0	0%
Писта ёғи	6 400 857	▲	830	0,01%
Рулонли фольгасиз гидроизоляцияцион том ёпиш материали, ТПП қалинлиги 4 мм (кв.м)	4 000 000	—	0	0%
Мис Урамаси	52 083 033	▲	817 578	1,6%
Бугдой уни, 1-нав	966 613	—	0	0%
Бугдой уни, олий нав	2 249 619	▲	896 285	66,2%
Хўжалик совуни, 70% (дона)	1 918	▼	-162	-7,8%
Натрий бикарбонат – ош содаси, 1-нав (қопда)	2 887 201	▲	1	0%
Полипропилен J-550S	12 433 941	—	0	0%
Полиэтилен F-0120	16 016 464	—	0	0%
Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда)	565 036	▼	-21 128	-3,6%
Сим 6,3 ст 3	7 812 137	▲	139 361	1,8%
Ем учун дон 3-класс	1 365 337	▼	-1 881	-0,1%
Ем учун дон 4-класс	1 250 000	▼	-59 229	-4,5%
Ем учун дон 5-класс	1 200 000	▲	211 297	21%
Шакар (импорт)	4 400 000	▲	50 000	1,1%
Суюлтирилган газ	3 496 207	▼	-307 469	-8,1%
Мойли солидол смазка	13 560 000	▲	960 000	7,6%
Кальцийлаштирилган сода (қопда)	1 379 181	▲	2 503	0,2%
Техник туз	202 500	▼	-17 500	-8,0%
Алюминий қотишмалари АК7	14 860 870	—	0	0%
Пўлат тунука г.к 6x1500x6000	7 840 000	▲	340 000	4,5%
Пўлат сим ВР-1 д 5мм	6 850 000	—	0	0%
Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	23 731	▼	-1 277	-5,1%
Шиша банка 3 л (дона)	1 908	▼	-81	-4,1%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	645 143	▼	-101 270	-13,6%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	8 572 488	—	-2	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	770 000	▼	-663	-0,1%
Труба 15x2,8 (метр)	80 300	—	0	0%
Пўлат квадрат труба 125x125-4,0 мм (метр)	114 744	▼	2 250	2,0%
Бурчак 35 ст 3 СП	5 975 000	▼	-6 364	-0,1%
Кўмир СССШ-13	357 257	▼	-24 823	-6,5%
Швеллер 12	8 700 000	—	0	0%
Пахта чигити шөлухаси	556 437	—	0	0%
Шифер 8 тўлқинли	32 758	▼	-188	-0,6%
Шрот (қунгабоқар)	2 900 000	—	0	0%
Шрот (соя)	4 086 125	▼	-766 049	-15,8%
Пахта чигити шрот (қунжараси)	983 277	▲	6 397	0,7%
Арпа	1 355 000	▲	3 033	0,2%

* Маҳсулотлар котировкаси охириги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охириги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.







Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варағидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2018 йил 16 октябрдан бошлаб ўрнатилган
хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан расмий курси

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	8 208,04	▲	26,96	0,33%
1 Евро	9 490,14	▲	63,08	0,67%
1 Россия рубли	123,85	▲	1,12	0,91%
1 Англия фунт стерлинги	10 796,86	▲	61,65	0,57%
1 Япония иенаси	73,16	▲	1,21	1,68%
1 БАА дирхами	2 235,00	▲	7,52	0,34%
1 Афғонистон афғониси	108,57	▲	0,07	0,06%
1 Арманистон драми	16,98	▲	0,06	0,35%
1 Аргентина песоси	223,77	▲	7,38	3,4%
1 Австралия доллари	5 841,66	▲	73,18	1,27%
1 Озарбайжон манати	4 848,22	▲	15,92	0,33%
1 Бангладеш такаси	98,06	▲	0,29	0,30%
1 Болгария леви	4 852,52	▲	31,04	0,64%
1 Баҳрайн динари	21 784,70	▲	70,40	0,32%
1 Бруней доллари	5 959,08	▲	40,63	0,69%
1 Бразилия реали	2 170,00	▲	39,84	1,87%
1 Беларусь рубли	3 866,25	▲	47,78	1,25%
1 Канада доллари	6 303,69	▼	-21,07	-0,33%
1 Швейцария франки	8 280,08	▲	29,70	0,36%
1 Хитой юани	1 186,44	▼	-4,75	-0,40%
1 Куба песоси	8 208,04	▲	26,96	0,33%
1 Чехия кронаси	368,42	▲	2,10	0,57%
1 Миср фунти	458,55	▼	-0,03	-0,01%
1 Грузия лариси	3 120,93	▼	-19,60	-0,62%
1 Венгрия форинти	29,31	▲	0,26	0,90%
1 Исроил шекели	2 265,97	▲	8,25	0,37%
1 Ҳиндистон рупийси	111,52	▲	0,61	0,55%
1 Эрон риали	0,20	▲	0,01	5,26%
1 Қирғизистон соми	118,78	▲	0,30	0,25%
1 Жанубий Корея вони	7,26	▲	0,03	0,41%
1 Қувайт динари	27 093,71	▲	125,49	0,47%
1 Қозғистон тенгеси	22,15	▲	0,13	0,59%
1 Малайзия ринггити	1 976,41	▲	2,21	0,11%
1 Польша злотийси	2 208,96	▲	19,63	0,90%
1 Сингапур доллари	5 959,08	▲	41,91	0,71%
1 Тожикистон сомони	871,62	▲	2,96	0,34%
1 Туркменистон манати	2 351,87	▲	7,72	0,33%
1 Янги турк пираси	1 398,04	▲	63,94	4,79%
1 Украина гривнаси	294,09	▲	2,74	0,94%
1 СДР	11 468,77	▲	87,42	0,77%

СТАТИСТИКА

Миллий валютадаги депозитлар бўйича банк фоиз ставкалари*
(ҳисобланган ўртача йиллик фоиз ставкалари)




* - Имтиёзли кредитлар бўйича фоиз ставкаларидан ташқари

ЎЗРВБ савдоларида АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси динамикаси

Сана	USD/UZS			
	курс	динамика	ўзгариш	ўзгариш (%)
2018 йил 15 сентябрь	8003,0	▲	47,00	0,59%
2018 йил 17 сентябрь	8039,0	▲	36,00	0,45%
2018 йил 18 сентябрь	8062,0	▲	23,00	0,29%
2018 йил 19 сентябрь	8078,0	▲	16,00	0,20%
2018 йил 20 сентябрь	8088,0	▲	10,00	0,12%
2018 йил 21 сентябрь	8141,0	▲	53,00	0,66%
2018 йил 24 сентябрь	8189,0	▲	48,00	0,59%
2018 йил 25 сентябрь	8183,0	▼	-6,00	-0,07%
2018 йил 26 сентябрь	8175,0	▼	-8,00	-0,10%
2018 йил 27 сентябрь	8171,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 йил 28 сентябрь	8176,0	▲	5,00	0,06%
2018 йил 2 октябрь	8174,0	▼	-2,00	-0,02%
2018 йил 3 октябрь	8182,0	▲	8,00	0,10%
2018 йил 4 октябрь	8179,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 йил 5 октябрь	8187,0	▲	8,00	0,10%
2018 йил 8 октябрь	8205,0	▲	18,00	0,22%
2018 йил 9 октябрь	8203,0	▼	-2,00	-0,02%
2018 йил 10 октябрь	8212,0	▲	9,00	0,11%
2018 йил 11 октябрь	8209,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 йил 12 октябрь	8215,0	▲	6,00	0,07%
2018 йил 15 октябрь	8211,0	▼	-4,00	-0,05%

Ахборот ва статистика бўлими томонидан ЎЗР Марказий банки (www.cbu.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.

Қимматли қоғозлар ликвид бўлиши лозим



«Тошкент» республика фонд биржаси кераксиз қимматли қоғозлар делистингини амалга оширмоқда.

«Тошкент» республика фонд биржасининг «Биржа котировка варағи тўғрисида»ги низомига мувофиқ, биржа котировка варағининг тегишли тоифаси учун зарур талаблар ўрнатилган. Уларнинг бири биржа битимларининг йиллик иш ҳажмидир.

Қимматли қоғозлар эмитентларининг биржа котировка варақларида акс эттирилиши билан боғлиқ шартларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида комиссия томонидан биржада 2017 йил якуни ва 2018 йилнинг 9 ойи мобайнида қимматли қоғозлар билан олди-сотди операциялари амалга оширилган эмитентлар таҳлили ўтказилди. Мазкур текширув жараёнида биржа котировка варағида бир йилдан кам вақт давомида акс этган қимматли қоғозлар эмитентлари кўриб чиқилмади.

Унинг натижаларига кўра, ўтган давр давомида бирорта ҳам битим тузмаган 37 акциядорлик жамияти аниқланди. «А» тоифасидаги учта, «В» тоифасидаги иккита ва «С» тоифасидаги 32 акциядорлик жамиятининг акциялари қолиб кетган. Шу-

нингдек, 133 акциядорлик жамиятининг биржа котировка варақларида қимматли қоғозлари қолиб кетгани, 46 тасида қимматли қоғозлар билан битим тузиш бўйича йиллик иш ҳажми бажарилмагани аниқланди.

Биржа котировка варақларидаги қимматли қоғозлар ликвидлигини ошириш ҳамда акциялари биржа савдоларида фаол сотиладиган акциядорлик жамиятлари листингидан сақлаш мақсадида «Тошкент» республика фонд биржаси томонидан ўрнатилган меъёрларга тўғри келмайдиган қимматли қоғозлар эмитентларини муомаладан чиқаришга доир қарор қабул қилинди. Бу иш бир неча босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда листингдан 2017 йилда ҳамда 2018 йилнинг 9 ойи мобайнида бирорта ҳам олди-сотди битими тузмаган акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари муомаладан чиқарилади.

«Биржа» котировка варағи тўғрисидаги низомининг акциядорлик жамиятларини биржа котировка варағига киритиш ва унда акс эттирилиши бўйича мажбурий талабларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, янги тахрири тасдиқланганидан сўнг, делистингнинг иккинчи босқичига киришилади.

ЎЗА



Тошкентда Ўзбекистон-Корея бизнес-форуми бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакат ишбилармон доираларининг 150 дан зиёд вакили иштирок этди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Ж.Хўжаев, Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Л.Қудратов, Корея Республикасининг Кичик ва ўрта бизнес ассоциацияси ва "Shingdon Resources" компанияси раиси Ким Ёнг Гу, Хвасон шаҳри Савдо-саноат палатаси раиси Пак Сунг Квен ва бошқалар сўзга чиқди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ишончли савдо ва инвестициявий шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида мустақам савдо ҳамкорлиги ўрнатилган. Ўзбекистонда кореялик ишбилармонлар сармоёси иштирокида 460 дан зиёд корхона нефть-газ, кимё саноати, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, электротехника, логистика, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳалар бўйича фаолият юритмоқда. Корея Республикасининг Ўзбекистонга йўналтирган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард АҚШ долларидан ошган.

Статистикага кўра, жорий йилнинг 9 ойида мамлакатларимиз ўртасида савдо айланмаси 34 фоизга ошиб, 1,28 миллиард долларни ташкил этган. Форумда бу рақамлар йил якунига қадар яна ошиши, яқин истиқболда томонлар савдо айланмасини 3 миллиард АҚШ долларига етказишни режалаштириётгани маълум қилинди.

Ташқи савдо вазири Ж.Хўжаевнинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда йилига 20 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот етиштирилмоқда. Сифати юқори ва витаминларга бой бўлган маҳсулотларимизни Корея Республикасига тўғридан-тўғри етказиб бериш кенгаймоқда. Мева-сабзавот етказиб бериш ҳажмини ошириш мақсадида кореялик ҳамкорларга Ўзбекистонда карантин инфратузилмаларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда. Шу билан бирга, юртимиз Корея Бозорига рангли ва нодир металллар етказиб беришга ҳам тайёр. Турли саноат тармақларини модернизация қилиш мақсадида, ўз навбатида, Кореядан юқори технологияли ускуналар импорт қилинади.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий шароит кореялик ишбилармонларни тобора ўзига жалб қилмоқда. Бугунги кунда Кореядан 15 мингдан зиёд кичик корхона Ўзбекистонга келишга тайёр турибди. Форумда Корея Республикасининг Хвасон шаҳри Савдо-саноат палатаси раиси Пак Сунг Квен шу ҳақда маълум қилди. Унинг таъкидлашича, ўртада шаклланган мустақам иқтисодий муносабатлар бундан кейин ҳам ҳамкорлик қирраларини кенгайтириб боради.

Форумда мамлакатимиздаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги имкониятлар, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида маълумот берилди. Ҳамкорликда энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм, коммуникация, молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги қўшма дастурларни ишлаб чиқиш имкониятлари хусусида сўз юритилди, тақдимотлар ўтказилди.

Форум доирасида икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий битимлар имзоланди.


ЎзА материали асосида

Якка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ қарзидан воз кечилди

Ҳозирги кунда республикаимиз бўйича жами 2147 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини қайта тиклаганлиги ва улардан 950 нафари давлат рўйхатидан ўтганлиги натижасида 73,1 млрд. сўмлик қатъий белгиланган солиқ ва молиявий жарима бўйича мавжуд қарзи ҳисобдан чиқарилди.

Маълумки, Президентимизнинг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5490-сонли Фармонида мувофиқ, 2018 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик мақомини йўқотган, фаолиятини амалга оширмаётган, фаолиятини вақтинча тўхтатган якка тартибдаги тадбиркорлар 2019 йил 1 январга қадар тадбиркорлик фаолиятини тиклаган ёки давлат рўйхатидан ўтган ҳолларда, қатъий белгиланган солиқ ва молиявий жарима бўйича қарзи ҳисобдан чиқарилиши белгиланган.

Давлат солиқ кўмитаси 2019 йил 1 январь



санаси яқинлашаётганлиги боис, давлатимиз томонидан берилаётган бундай имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда, фармон талабларига асосан тадбиркорлик фаолиятини тиклаш ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишга чакиради.

finance.uz

ОБУНА-2019

ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2019

Обуначилар диққатига!

- Обунани фақат «Банк ахборотномаси» газетаси билан шартнома тузган дистрибьютор-ташкilotлар орқали расмийлаштиринг.
- Тахририят бугунги кунда қуйидагилар билан шартнома имзолаган: **ТАРКАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:**
 - ▶ «Ўзбекистон почтаси»;
 - ▶ «Матбуот тарқатувчи» агентликлари.
- **ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:**
 - ▶ «SAYYOR 2017» МЧЖ;
 - ▶ «GRAND INTER MEDIA» МЧЖ;
 - ▶ «SHA-GAY PRESS SERVIS» МЧЖ;
 - ▶ «Matbuot Servis» МЧЖ;
 - ▶ «Matbuotchi» МЧЖ;
 - ▶ «SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ;
 - ▶ «KALEON INFORM» МЧЖ;
 - ▶ «MATBUOT TONGI» МЧЖ.
- Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz дан тўғридан-тўғри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, тахририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.



БОЗОРИ ТўЛАҚОНЛИ ИДРОК ЭТИШ ИМКОНИЯТИ

Обуна индекси – 102.

Обуна бўйича мурожаат учун:

Тел.: (998) 71 232-45-32, 71 233-45-16.

Факс: (998) 71 232-43-98.

E-mail: info@banknews.uz

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Нашр учун масъул

Б. МУҲАММАДИЕВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Газета тахририятнинг
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

71 232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 71 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси» да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта лайшанба кунини чиқади.

Буортма № г 1089.

Адади 3125 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмда, 2 шартли босма табоқда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 17.10.2018 й., 9.00.

1 2 3 4 5